

**«MA'QULLANGAN»**

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi  
Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori  
vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va  
standartlashtirish davlat markazi» DUK

«17» 12 2019y. № 16

**ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА  
КАТАРИЯ®**

**Препаратнинг савдо номи:** Катария®

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** натрий цитрати

**Дори шакли:** ичга қабул қилиш учун эритма тайёрлаш учун гранулалар

**Таркиби:**

Хар бир саше қуйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* натрий цитрати 4 г;

*ёрдамчи моддалар:* сахароза, натрий сахарини ва клюква таъм қўшимчаси 191121.

**Таърифи:** оқдан деярли оқ ранггача сочилувчан клюква таъмли гранулалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Урологик касалликларда қўлланадиган бошқа дори воситалари.

**АТХ коди:** G04BX

**Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамикаси**

Натрий цитрати метаболизмга учраб циститда кузатиладиган дизурияни регрессиясига ёрдам берувчи бикарбонатга айланади. Сийдикни ишқорийланишини чақириб, кислоталилигини камайтиради

**Фармакокинетикаси**

Аниқланмаган.

**Қўлланилиши**

Аёлларда цистит симптомларини енгиллаштиришда қўлланилади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

*Аёлларда қўлланилиши*

Бир саше ичидагиси бир стакан сувда эритилади.

1 сашедан суткада 3 марта 48 соат давомида ичга қабул қилинади.

Тайёрланган эритмани дарҳол ишлатиш керак.

*Эркаларда ва болаларда қўлланилиши*

Тавсия этилмайди.

**Ножўя таъсирлари**

MedDRA мувофиқ тез-тезлиги келтирилган:

Жуда тез-тез ( $\geq 1/10$ );

Тез-тез ( $\geq 1/100$  дан  $< 1/10$  гача);

Тез-тез эмас ( $\geq 1/1000$  дан  $< 1/100$  гача);

Кам ҳолларда ( $\geq 1/10000$  дан  $< 1/1000$  гача);

Жуда кам ҳолларда ( $< 1/10000$ ),

Номаълум (мавжуд маълумотлар бўйича баҳоланиши мумкин эмас).

*Иммун тизим томонидан бузилишлар:* жуда кам ҳолларда - тери тошмалари.

*Меъда-ичак тизими томонидан бузилишлар:* жуда кам ҳолларда - қориндаги оғрик.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Натрий цитрати ва препаратнинг компонентларига юкори сезувчанлик. Қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, артериал гипертензия, кам тузли парҳездаги буйрак

касаликлари бўлган пациентларда ва паст тузли диетада бўлган беморларда қўллаш мумкин эмас.

#### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Аниқланмаган.

#### **Махсус кўрсатмалар**

Агарда даволаш бошланганидан кейин 2 кун ўтгач касаллик симптомлари сақланиб турса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Кўрсатилган дозадан ошмаслиги керак.

Таркибида сахароза сақлайди. Фруктоза ўзлаштираолмаслигининг кам наслий касаликлари бўлган пациентлар, глюкоза-галактоза малабсорбсия синдроми ёки сахароза-изомальтаза етишмовчилиги бўлган беморлар бу дори препаратини қабул қилмасликлари керак.

Препарат бир дозасида 939 мг натрий сақлайди. Бу натрий чекланган пархездан сўнг беморларда кўриб чиқилиши керак.

#### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши**

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

#### **Транспорт воситалари ва бошқа хавфли механизмларни бошқариши қобилиятига таъсири**

Таъсири йўқ.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Препаратнинг дозасини ошириб юбориш ҳолларида симптоматик даволашни ўтказиш керак.

#### **Чиқарилиш шакли**

Натрий цитрат гранулалари тўрт қаватли ламинация қилинган фольгали сашеларга жойланган.

Хар бир саше пакетда 5,6 г гранулалар, 6 дона сашедан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

#### **Сақлаш шароити**

Курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

#### **Ишлаб чиқарувчи**

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

#### **Манзили**

Plot No. M-3, Indore Special Economic Zone, Phase-II, Pithampur, Dist.-Dhar, Madhya Pradesh-454774, Ҳиндистон.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича  
эътирозларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили  
“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК**

100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўч., 16 А уй

Тел.: + (99878) 150 97 97; факс: + (99878) 150 97 87

Уяли телефон рақами: + (99893) 388 87 82

E-mail: pv@kusum.uz